2008 ЙИЛ, 13 ИЮНЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 113 (11.174) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни
Янгиликлар, воқеалар

**НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРГА ҲАМ ЧИҚИШ, «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЙЎЛИДА ИНТИЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР.**



*Тадбиркорлик*

# БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Пойтахтимизда бир неча йиддан буён фаолият кўрсатаётган «NURAFSHON HUR» хусусий корхонаси тадбиркорларининг ҳам яқин келгусидаги режалари: ташқи бозорга чиқиш, хориж давлатларидан буюртмачилар жалб этган ҳолда экспортни йўлга қўйишдир. Бунинг учун эса ҳозирда Хитойдан янги дастгоҳлар келтириш, ишчилар малакасини янада ошириш, ташқи бозорни кун сайин ўрганиш режалари амалга оширилмоқда.

— Қарийб 3 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди фирма раҳбари Муҳаббат Тошмуҳамедова. — Аввалига хусусий тадбиркор сифатида меҳнат қилган бўлсам, ўтган йил ўрталарида имкониятларимни чамалаб чиқиб фирма очишга қарор қилдим. Махсус иш кийимлари ва иш пойабзаллари тайёрлаймиз. Ҳозирда 30 дан зиёд хотин-қизни иш билан таъминлаганмиз. Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига муносиб ҳисса қўшиш учун 10 дан зиёд касаначи аёлларни ишга жалб этдик.





Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона модельер-дизайнерлари доимий изланишда бўлиб, бу ерда қисқа давр ичида иш кийимларининг 1000 дан зиёд турлари яратилган. Ҳар бир буюртмачининг талаб ва таклифлари инобатга олиниб, соҳа ходимлари учун қулай, бежирим ва чидамли либослар маҳаллий ҳамда хориж хом ашёсидан тайёрланмоқда.

Жорий йилда тендерда ғолиб чиққан тадбиркор жамоа чеварлари Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг авария-тиклаш бошқармаси, «Шўртангаз» кимё мажмуаси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг буюртмаларини муваффақиятли бажаришди. Айни кунларда эса жамоада изланишлар давом этмоқда, янги буюртмаларни жалб этиш учун талаб даражасидаги моделлер тайёрланмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: буюртмаларни тез ва соз бажаришда маҳоратли чеварларнинг муносиб ҳиссалари бор.**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

12 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умарова "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда кўриб чиқишга киритиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама қилиш вақтида тушган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилиниб, депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирганларидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О.Охунованинг маърузаси юзасидан депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

"Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маъруза қилди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддасини батафсил муҳокама қилиш пайтида депутатлар унинг қабул қилиниши миллий маданиятимизни янада ривожлантириш учун муҳим эканлигини таъкидладилар ва киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

*(Давоми 2-бетда).*

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФИЛИППИН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ АЛИШЕР САЛОҲИДДИНОВ УШБУ МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ГЛОРИЯ МАКАПАГАЛ АРРОЙОГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.**

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Филиппин Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилди.

Филиппин Республикаси Президенти Г. Арройо икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Филиппин ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан ўз мамлакатининг манфаатдор эканини изҳор этди.

**«Жаҳон» АА**

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 307-мактаб қошида ташкил этилган «Қуёшча» ёзги соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросимида туман фаоллари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари, «Тенгдош» маданият уйи бадиий-ҳаваскорлик жамоалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида сартарошлик ва уй ҳамшираси курсларини битирган йигит-қизларга дипломлар топшириш маросими ўтказилди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирлик қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан уюштирилган ўқув семинари «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» деб номланди.

● **БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида ўтказилган навбатдаги ўқув машғулот-семинарида мактаб битирувчиларига сертификатлар топширилди.

● **КЕЧА** Тошкент вилоятидан пойтахтимизга ташриф буюрган бир гуруҳ фаол ёшлар Олий Мажлис Сенати фаолияти билан яқиндан танишишди.

● **КЕЧА** Тошкент Молия институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Диний экстремизм — тараққиёт душмани» деб номланди.

● **ЎЗБЕК** Давлат Миллий академик драма театрида фаол ёшлар ўртасида ўтказилган «Камолот юлдузлари» кўрик-танлови «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИБ, УЛАР ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА. БУ БОРАДА АЙНИҚСА ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИБ, ТУМАН ТОМ МАЪНОДА ЯШНАЁТГАН ЧАМАНЗОРГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ.**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009, МАЙ ТОШКЕНТ

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Куни кеча Чилонзор тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тақдимот маросимида иштирок этган ҳар бир қатнашчининг кўнглидан юқоридаги фикрлар ўтган бўлса ажаб эмас.

— Республикамиз Президенти томонидан 2008- йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Чилонзор туман ёшларининг ташаббусига кўра, туман ҳудудида боғлар яратиш таклифи қабул қилиниб, ушбу таклиф туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан қўллаб-қувватланди, — деди тадбирни очар экан туман ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов. — Асосий иштирокчилар ёшлар эканлигини ҳисобга олиб «Бунёдкор ёшлар» кўрик-танловини 3 босқичда, таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилиши



режалаштирилди. Мана бугун ушбу танловнинг биринчи босқичи якунланди. Танловнинг 2-босқичи Мустақиллик байрами, 3-босқичи эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида ўтказилади. Танловни ўтказишдан мақсад эса ўқувчи-ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, қалбида она-Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш ҳамда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, ўз қўллари билан боғ яратиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўзларига бўлган ишончни янада оширишга қаратилган.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тошкентда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари томонидан иқтисодиёт тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш истиқболига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда LG Elektroniks компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказилаётган анъанавий «LG Grant –2008» кўрик танловининг тақдирлаш маросимига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ёш геологлар олимпиадасининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.**

● **Хоразмда «Замонавий технологиялар ва электрон ресурслар» мавзуида семинар тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вилоят ахборот-кутубхона маркази, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамда «Камолот» ЁИҲ Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.**

● **Жиззахда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси уюштирилди.**

● **Сирдарё вилоятида умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида «Касблар фестивали» бўлиб ўтмоқда. Мирзаобод ижтимоий касб-ҳунар коллежида ўтказилган ана шундай тадбирда 500 га яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Фестиваль иштирокчилари мазкур ўқув даргоҳи фаолияти ҳақидаги кўргазмалар билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.**

● **Хатирчи туманида янги пахта тозалаш заводининг фойдаланишга топширилиши билан ишлаб чиқариш кўлами кескин ошди ва янги иш ўринлари яратилди.**

● **Урганчдаги Суратлар галереясида «Манзара ва натюрморт» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада республикамизнинг таниқли мусаввирлари яратган манзара ва натюрморт жанридаги асарлар намойиш этилмоқда.**

● **Самарқандда «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

● **Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида қурилиш материаллари бозори ишга туширилди. Ушбу савдо муассасаси Марғилон шаҳри ва бир нечта қўшни туманлар аҳолисига хизмат кўрсатади.**

● **Зангиота туманидаги «Назарбек» қишлоқ врачлик пунктига Япония ҳукумати гранти ҳисобидан 45 минг долларлик қўшимча 54 хил янги тиббий асбоб-ускуналар топширилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Халқаро донор мамлакатлар Афғонистонда тиклаш ишларини амалга ошириш учун 21 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишадиган бўлишди.**

● **Огайо штати конгрессмени Деннис Кусинич АҚШ Конгрессига президент Жорж Бушга нисбатан импичмент қўллаш ҳақидаги резолюция лойиҳасини тақдим этди. Резоляцияда Бушга нисбатан 20 дан ортиқ айблов қўйилган.**

● **Буюк Британияда Бруней султонининг укаси шаҳзода Жефрини қамоққа олишга ордер берилди. Айни дамда шаҳзоданинг яшириниб юрган манзили аниқланмоқда. Жефри Бруней молия вазири лавозимида фаолият юритган вақтида давлатнинг 15 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағини ўзлаштирганликда айбланмоқда.**

● **Жаҳондаги энг йирик нефть компанияларидан бири — АҚШнинг «Экссон мобиль» компанияси автоёнилғини чакана тарзда сотишни тўхтатди.**

● **Буюк Британиянинг «BAE Systems» компанияси учувчисиз бошқариладиган «Фурия» («Fury») жанговар ракетасини тақдим этди. Мазкур ракеталар «Thales» компанияси мутахассислари ҳамкорлигида яратилган бўлиб, бир қанча устунликларга эга. Масалан, у разведка ишларини олиб бориш билан бирга ҳаводан душманга зарба бера олиш имкониятига эга.**

● **Россиянинг Амур областининг Шимановск шаҳрида Хабаровск-Нерюнгри йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчи поездининг ўнта вагони рельсдан чиқиб ағдарилди. Ушбу ҳалокат натижасида дастлабки маълумотларга кўра 60 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

● **Бельгия пойтахти Брюсселда нархларнинг оширилишига қарши ўтказилган намойишда 5 минг киши қатнашди.**

● **«Тамил йўлбарслари» ҳаракати исёнчилари Шри-Ланканинг ҳарбий денгиз хизмати аскарларига ҳужум уюштириши натижасида уч денгизчи ҳалок бўлди, 4 нафари жароҳатланди.**

● **Ҳозирда футбол бўйича Европа чемпионатида Португалия терма жамоасини бошқараётган бразилиялик таниқли мутахассис Луис Фелипе Сколари жорий йилнинг биринчи июлидан бошлаб Англиянинг «Челси» жамоасида бош мураббий сифатида фаолият кўрсатади. Сколари билан «Челси» тўрт йилга шартнома тузди.**

№ 113 (13.06.2008)

# ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА










(Давоми.Боши 1-бетда).

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номлангани боис ўқувчи-ёшларни умуминсонийлик, меҳр-шафқатлилик, саховатлилик, бой маданий меросимиз, буюк қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бўш вақтидан унумли фойдаланиш, дунёқарашини кенгайтириш, қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзи яшаб турган ҳудудга меҳр-муҳаббат уйғотиш, маҳаллаларнинг обод бўлишига ҳисса қўшиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига кенг жалб этиш, шунингдек, гўзал пойтахтимизнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг илк босқичида мактаб, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар, ҳудуд раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, уй-бошилар фаол иштирок этдилар.

«Бунёдкор ёшлар» кўрик-танлови давомида тумандаги 31 та мактаблар ўқувчи ёшлари томонидан жойларда 31 та боғ бунёд этилди. Эътиборлиси ушбу боғлар туман ҳудудидаги уйлар орасидаги қаровсиз, бўш турган жойларда, имкон борича табиий хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда барпо қилинди. 15-20 нафар ўқувчилардан иборат «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари катта ғайрат билан ўз ҳудудларини ободонлаштириб, уй йўлакларини ораста сақлаш ишларини ташкил этган ҳолда бутун атрофни обод қилиб, дарахтзор, гулзорга айлантириш ва табиий хом ашёлардан ўриндиқлар, болалар ўйингоҳлари, эртак қаҳрамонларини барпо этиб кичик хиёбонларни шу ҳудудда истиқомат қилувчи кексалар ва ёшлар дам оладиган масканга айлантирдилар.

Ҳайъат аъзолари ўқувчи-ёшлар томонидан 3 ой давомида амалга оширилган ишлар, чиройли ва обод масканларни кўриб баҳолар эканлар, энг олий совринга «Нўғайқўрғон» маҳалласида жойлашган 195-мактаб ва 350-мактабгача таълим муассасасини муносиб деб топдилар. Биринчи ўрин 164-мактаб ва 368-мактабгача таълим муассасаси, иккинчи ўрин 131, 181-мактаблар, 444 ва 429-мактабгача таълим муассасаларига, учинчи ўрин эса 183, 184, 217-мактаблар ва 294, 363, 477-мактабгача таълим муассасаларига берилди. Ғолиблар туман ҳокимлиги ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танловнинг барча қатнашчилари туман «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши каби бир қатор ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирландилар.

— Ушбу кўрик-танлов ўқувчи-ёшлар учун катта синов, ғайрат-шижоатларини баҳолаш учун имконият бўлди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. — Айниқса ёшларимизнинг эзгу мақсад йўлидаги ташаббусларининг қўллаб-қувватланиши уларга гўёки қанот бўлди. Ҳар бир ўқувчи-ёш ушбу тозалик, покизалик, ободонлаштириш ишлари, кичкинтойларга манзур бўладиган ўйингоҳлар яратишга ўз ҳиссасини қўшишга интилди. Ишонаманки, ёшларнинг ўзлари меҳнат қилиб яратган боғлари қаровсиз қолмайди, аксинча меҳр-эътибордан боғу-бўстонга айланади.

Биз туман ҳудудини айланар эканмиз, танловда гран-при совринига эга бўлган, туманнинг 16-мавзеси, «Нўғайқўрғон» маҳалласида жойлашган 195-мактаб ўқувчилари томонидан болажонлар учун яратилган «Ҳумо» деб номланган болалар боғини кўриб ҳайратимиз ортди. «Нўғайқўрғон» маҳалласи оқсоқоли Фарҳод Эшдавлатов ва «Семурғ» жамоасига раҳбарлик қилган Шаҳло Аллаева бош-қош бўлган, қисқа муддатларда бунёд этилган кичкинагина боғдаги озода, покиза, гулу чечакларга бурканган майдон, чиройли ўриндиқлар, эртак қаҳрамонлари, рангли тошлардан ясалган девор ва йўлаклар барчага маъқул бўлиши табиий.

— Ушбу болалар дам олиш майдончаси ҳақида анчадан бери фақат орзу қилиб келар эдик, — дейди 3-уй бошлиғи Асия Минибаева. — Албатта, ўқувчи-ёшларимиз томонидан ташкил этилан ушбу майдончанинг озода сақланиши, болажонларимизга узоқ йиллар хизмат қилиши учун биз катталар ҳам озгина эътиборли, куйинчак бўлишимиз, фарзандларимизга ҳар бир нарсанинг қадрига етиб, асраб-авайлашни ўргатишимиз лозим.

Дарҳақиқат ёшлар — эртанги кунимиз, бошланган хайрли ишларнинг давомчилари. Шу маънода Чилонзор тумани ёшларининг пойтахтимизни боғ-роғлар шаҳрига айлантириш борасидаги хайрли ташаббуси эътиборга моликдир.

— Ёшларимизнинг ушбу ташаббусидан айниқса ота-оналари хурсанд, — дейди «Нўғайқўрғон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Эшдавлатов. — Чунки аввало ёшлар меҳнатга ўрганадилар, тозалик, ободликка ҳисса қўшадилар. Катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни асраб-авайлашга ҳаракат қиладилар. Маҳалламизда 9.500 нафар аҳоли яшайдиган бўлса уларнинг ҳар биридан хабар олиш, муаммолар ечимини топиш, болалар тарбияси билан шуғулланиш учун алоҳида вақт ажратиш лозим. Болажонлар томонидан яратилган боғлар эса наинки кўзни қувнатади, балки бошқаларни ҳам эзгулик, гўзалликка чорлайди. Биз ўқувчиларга маҳалла котибаси Насиба Матисаева, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Севара Ҳожиакбарова ва фаоллар билан яқиндан ёрдам бердик. Айни кунларда 1-уй олдида кейинги босқич бўйича боғ барпо этиш ишлари бошлаб юборилган.

— «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари томонидан ташкил этиладиган боғлар, хиёбон, ўйин майдончаларининг лойиҳаси ҳамда илгари сурмоқчи бўлган ғоялар режаси аввало ташкилий қўмита аъзолари томонидан яхшилаб ўрганилиб, керакли маслаҳатлар берилди, — дейди 368-мактабгача таълим муассасаси мудираси Муҳаббат Эшонқулова. — Яъни, болажонлар таълим-тарбияси, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишлари учун керак бўладиган белгилар, соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган, рангли тошлардан терилган йўлакчалар севимли эртак қаҳрамонларини жойлаштиришда бирга иш олиб бордик. Кичкинтойлар ака-опалари томонидан яратилган ушбу мўъжазгина боғдан бир олам завқ олишмоқда, ота-оналари билан келиб мазза қилиб яйраб, ҳордиқ чиқаришмоқда. Боғнинг озодалиги, яхши сақланишига ҳар биримиз масъул бўлиб ўқувчилар ёнида турибмиз.

— Туманимиз ёшларининг шаҳримизни обод ва ораста, гулу чечакларга бурканган ҳудудга айлантириб, пойтахтимизнинг қутлуғ 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш ташаббуси билан чиқишини уларга давлатимиз, шахсан Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка билдирилган миннатдорлик, юксак ишончни оқлаш йўлидаги илк қадам деб биламан, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши раиси Ворис Акайдинов. — «Бунёдкор ёшлар» ва «Ташаббускор ёшлар» гуруҳлари фаолиятини яхши йўлга қўйиш, ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган боғларни мунтазам парвариш қилиш, озодаликни сақлаш, жажжи болажонларга маъқул бўладиган ўйин қурилмаларини ясашда бошланғич ташкилотимиз етакчи ва сардорлари, «Камалак» аъзолари фаоллик кўрсатдилар. Мана ҳозир ёзги таътил кунларида камолотчилар навбатчилик ташкил қилиб, боғ атрофида яшайдиган, оромгоҳларга бормаган, уйда дам олаётган болаларни бу ишга жалб этиб боғ парвариши билан шуғулланмоқдалар. Яратилган боғларнинг 25 тасида «Камолот» бурчаги ташкил этилган. Дарахтлар, гуллар экилиб ҳудуднинг янада гўзал бўлишига ҳисса қўшишга интилиб келинмоқда. Яна биз 30 та боғ яратиш ташаббуси билан чиқдик. Ишонаманки, бу борада бизни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлайди, Мустақиллик байрамига ушбу совғамизни ҳам топширамиз.

— Ушбу танловда иккинчи ўринни қўлга киритдик, — дейди 131-мактаб директори Муаттар Ҳамроева. — Биз «Катта Дўмбробод» маҳалласидаги 27, 29 ва 31-кўп қаватли уйлар орасидаги қаровсиз ерда чиройли, кўрса кўз қувнайдиган, мўъжазгина боғ яратдик. Ўқувчиларимиз билан бирга аввало ҳовлини чиқиндилардан тозалаб, чопиб, 49 та арча, 6 та эман дарахти, 400 туп кўп йиллик, 150 та бир йиллик гулларни экдик. Атрофдаги гаражлардан девор ўрнида фойдаланиб эртак қаҳрамонларини чиздик, тошлардан турли ҳайкаллар ясалди, бетон плиталарга йўл ҳаракати қоидалари чизилди, дарахтларнинг қолдиқларидан стол-стуллар, ўриндиқлар тайёрланди, баклашкалардан, музқаймоқ ва конфет қоғозларидан капалак, ой, юлдузчалар ясаб дарахтларга илинди, атрофларига тошлар терилиб ўралди. Чиройли ранглар билан бўялди. Қарабсизки, ўзимизда бор бўлган, ташлаб юбориладиган табиий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда наинки кичкинтойлар, балки катталарга ҳам маъқул бўладиган боғ барпо бўлди. Бунда бизга сардорлар, 9-синф ўқувчилари Даврон Ҳасанов, Баҳодир Тешабоевлар тенгдошларига бош бўлиб яқиндан ёрдам бердилар. Шунингдек, 6-синф ўқувчиси Раҳимжон Абдуллаев, 5-синфдан Робия Исмоилова, 8-синф ўқувчилари Сарвар Файзиев, Моҳинур Ғайбуллаева, Диёра Абдуллаевалар, ўқитувчилардан Машкура Қўчқорова, Латофат Султонова, Маҳфуза Саидазимова, Умид Бозоровлар ва «Катта Дўмбробод» маҳалласи оқсоқоли Абдуҳаким Муталовлар саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозир биз танловнинг иккинчи босқичини бошлаяпмиз, яъни «Нақкошлик» маҳалласидаги 19-уй ҳовлисида навбатдаги боғни барпо этамиз. Ўқувчи-ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини кўриб кўнглинг фахрга тўлади, демак келажак ишончли қўлларда.

— Тенгдошларим билан қаровсиз жойларни тозалаб, дарахт, гуллар экиб, чиройли боғ яратганимиздан ўзимиз ҳам жуда хурсанд бўлдик, — дейди Моҳинур Ғайбуллаева. — Энди уни парвариш қилиш, асраб-авайлаш, дарахт ва гулларнинг синиб кетмаслиги, қуриб қолмаслиги учун вақтида сув қуйиб тагларини юмшатиб турибмиз. Кичкинтой укаларимиз ҳам биздан ўрганиб боғимиз ҳудудини супуриб-сидириб, озода сақлашга ёрдам беришмоқда. Биз фақат Чилонзор туманида эмас, балки шаҳримизнинг барча туманларида шундай ораста, озода, гўзал хиёбон ва боғлар барпо этилишини ҳамда барча ўқувчи-ёшлар ўз хоҳишлари билан умумишида фаол бўлишларини истаймиз.

Шуни мамнуният билан қайд этиб ўтиш жоизки, туман ҳудудидаги ташландиқ жойларнинг обод қилиниб болалар ўйин майдончаларининг бунёд этилиши мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган жажжи кичкинтойлар қалбига бир олам қувонч бағишлади. Эътиборлиси улар болалар майдончаси ва боғлар барпо этиш билан бирга бутун атрофнинг тоза-озодалиги, айниқса кўп қаватли уйлар йўлаклари, кўча ва хиёбонларнинг чиройли ва обод, тоза-покиза ҳолда бўлишига ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Энди танловнинг иккинчи босқичи 19 та коллеж ва лицейлар ўқувчилари ўртасида бошланди.

—«Ташаббускор ёшлар» шиори остида ишга киришган талаба-ёшлар Мустақиллик байрамига муносиб совға тайёрлаш иштиёқидалар, — дейди туман ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси масъул котиби Луиза Тўраева. — Масалан 2-юридик коллежи «8-мавзе» маҳалласида болалар ўйин майдончасини барпо этиб, ободонлаштириш ишларини охирига етказишмоқда. Бошқа коллеж ва лицейлар талаба-ёшлари ҳам катта ғайрат билан ишга киришдилар. Ғолиблар туман ҳокимлиги ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан муносиб тақдирланади.

«Бунёдкор ёшлар» ва «Ташаббускор ёшлар» гуруҳлари томонидан барпо этилган боғлар парвариши, гуллаб-яшнаши ва сақланишига туман «Маҳалла» жамғармаси, туман халқ таълими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқимизда хайрли ташаббуснинг қаноти бўлади, дейишади. Бинобарин, Чилонзор ёшларининг боғ-роғлар бунёд этиш борасидаги ташаббуслари қанот ёзиб, шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам шундай ишларни амалга оширишга бел боғланмоқда. Келинг, азиз ҳамшаҳарлар Ёшлар йилида, Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг қутлуғ 2200 йиллик тўйи арафасида бундай хайрли ишларга ҳаммамиз бош қўшайлик. Ўз навбатида жойларда амалга оширилаётган бундай хайрли ташаббуслар, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини газетамиз саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб борамиз.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Бунёдкор ёшлар» ва «Ташаббускор ёшлар» гуруҳлари томонидан Чилонзор туман ҳудудида бунёд этилган боғлар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Муҳокама ўтказилганидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев маъруза қилди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси С.Турсуновнинг маърузаси юзасидан депутатлар "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузулмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Депутатлар муҳокама пайтида киритилган таклифларни эшитиб ва муҳокама этиб, ҳужжатни маъқулладилар ва Қонунни қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С.Аҳмедова "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Савол-жавоблар ўтказилиб, тушган таклифлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА)**

# ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛДИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ КАТТА ТЕАТРИДА ЎСМИРЛАР СИМФОНИК ОРКЕСТРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мазкур хайрия концерти жорий йилнинг "Ёшлар йили" дея аталиши ҳамда Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейининг 70 йиллигига бағишланди.

Кечада Халқаро оркестрлар танлови лауреати, "Ниҳол" давлат мукофоти совриндорлари, Успенский номли Ўсмирлар симфоник оркестри (РСМАЛ) ҳамда халқаро танловлар ғолиблари, Москва давлат консерваторияси талабалари иштирок этди.

Ушбу хайрия концерти "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ҳамда Россия маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад болалар ва ўсмирлар ижодини юзага чиқариш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Профессор В.Неймер раҳбарлиги остидаги оркестрнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг аъзолари Успенский номидаги мусиқа лицейининг 8 дан 12 ёшгача бўлган ўқувчиларини ўзида жамлаган. Бундан ташқари, оркестрга 8 дан 17 ёшгача бўлган болаларнинг дирижёрлик қилиши эътиборга моликдир. Мазкур Ўсмирлар симфоник орекестри "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг Париж ва Москвадаги шоу-дастурлари ва маданий тадбирларида иштирок этган.

Сермазмун ва ранг-баранг чиқишларга бой бўлган ушбу кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, нафақат мумтоз мусиқа кечаси, балки болалар иштирокидаги ўзига хос шоу тариқасида санъат ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## *Тиббиёт*

# ФАРМОН ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1998 ЙИЛГИ ФАРМОНИ АСОСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН БУ ЙЎНАЛИШ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Шу ўтган давр мобайнида тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлашда янгича ёндашувлар юзага келди. Аҳолига бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди.

Тошкент шаҳрининг ўзида ўнга яқин оилавий шифохона ишга тушди. Шаҳар неврология маркази реконструкция қилинди.

# САЛОМАТЛИККА ЭЪТИБОР

**БОШҚА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БЎЛГАНИ КАБИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ҲАМ ЧИНИҚИШ ВА МАҲОРАТ МУСОБАҚАЛАРИ ТЕЗ-ТЕЗ ЎТКАЗИБ ТУРИЛАДИ.**

Спорт эстафеталарида қатнашадиган тиббиёт ходимлари учун махсус спорт майкалари жорий этилганини айтиб ўтиз жоиздир.

Ҳар бир факультет иштирокчилари турли хил эмблемаларда майдонга тушадиган бўлдилар. Санитария-гигиена факультети жамоаси майкасига бўри сурати туширилди. Чунки бўри ўрмонда санитар вазифасини ҳам адо этиши мумкин.

Ректорат ходимларининг оқ рангли майкаларида хумо қуши акс эттирилди. Бу тинчлик, омад рамзини англатади.

# ЯНГИ ВАКЦИНАЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА. АНТИРАБИК ИММУНОГЛОБУЛИН ПРЕПАРАТИ ҲАМ ШИФОБАХШЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРИБДИ.**

Қонни қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологияси ҳам йўлга қўйилди. Бу эса альбумин ишлаб чиқариш ҳажмини 1500 литргача етказиш имконини бераётир.

Шунингдек, янги хил вакциналар тайёрлаш имконияти туғилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

